

НАЗМИЙ ХОТИРА

Поён
Равшанов

САДАФМУЛК

Ф И Д О В А Н И Д О



ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 83.3(5Ў)

Р – 13

Равшанов, Поён

Садафмулк: Фидо ва нидо. Назмий хотира. Поён Равшанов.
– Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – 88 б.

ISBN 978-9943-27-838-7

“Садафмулк” назмиётида севги, садоқат, саодат, ҳаёт синовлари, иноқлик ва увалик-жувалик бахти – эллик етти йил бирга насиб этган умргузаронлик кечмиши ифодат этилади.

Сатрларда фарзанд ва набиралардан ифтихор, турмуш йўлдошига бўлган улкан ҳурмат-эҳтиром ва, тақдир тақозоси ўлароқ, жудолик алами, фироқ андуҳи, айрилиқ оташи ёқин-ланиб туради.

Тўплам севиқли ёр ва муҳтарам онага бахшида мўъжаз бадий ҳайкалдир.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Шоҳмалик ПОЁНОВ

*Китобдаги суратлар Темурбек, Маъмурбек,
Беҳрез, ва Лазизбек Поёновлар, Камронбек
Равшановлар томонидан жамланган*

ISBN 978-9943-27-838-7

© Поён Равшанов, «Садафмулк». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

І. ФИДО

МУВАШШАҲ

Ёшлигим туҳфасин бахш этиб сенга,
Истиқбол йўлида бўлолдим йўлдош.
Ардоқлаб севгини мисоли қуёш,
Орзу-умид билан қўша олдим бош.

Муҳаббат файзи-ла тўлган уйимиз,
Бебаҳо ёшликни эслатиб турар.
Фарзандлар кулгуси – бизнинг тўйимиз,
Қувноқ оилага улар файз берар.

Самимий истардим: асил муҳаббат
Ўзидан қолдирса ўчмовчи бир от.
Ишқим достонини ёд қилса элим,
Муқаддас бахт дея қувонар дилим.

Асрий арғумоқнинг чаптаст қаноти,
Қўшигим етказсин узоқ элларга.
Севишган қалбларга у бериб ором,
Майин насим эссин теран қўлларда.

Дилимни ўртамас айрилиқ, ҳижрон,
Ёримни севаман ҳамиша жондон.
Ёрим юрагимнинг гавҳар рўшноси –
Шу сабаб тимсоли жой олган тандан.

Ажаб, севги фасли қарийми чиндан?
Мўйсафид севгига чанқоқман жуда.
Қадримиз билайлик севишган кундан,
Гиналар бўлмасин асло беҳуда.

Фусункор ёшликнинг келгач эртаси,
Тенгдошлар олдида боқмайлик ерга.
Севгидан обадон хонадон ҳар чоқ,
Болалар кулгуси учсин хушчақчақ.

1962 йил, 22 май.
Самарқанд

Эй ёрим, мен учун яралмишсан,
Сенсиз ширин ҳаётимдур абас.
Гуллаган чаманим ҳам ақл-хушсан,
Бўлмасанг, боғимда уюлар хас.

Севдимми, севилдим, энди афсона,
Оташ муҳаббатдан қолмиш совуқ кул.
Бу кун шукр айлабон, олиб паймона,
Ёрим, фақат сенга тугажакман гул.

Ёрга ақиқу гунча лаб муносибдур,
Ниҳол қаддига нозик табъ муносибдур.
Битилмиш қанча ашъор васфида, вале,
Камдурур, адоқсиз хитоб муносибдур.

Аёлим Садаф Азимовага

Кўнглимда ундирган раъно гулимсан,
Яшашдан топганим маъно гулимсан.
Қулф урсин гунчалар ҳаёт саҳнида,
Умримни беаган доно гулимсан.

Қирқ йилдир бирга яшабмиз, биз чолу кампир,
Ўсдирдик олти ўғил-қиз, биз чолу кампир.
Армонли-армонсиз дунёда, Аллоҳга шукр,
Мурод ҳосил, қолдирдик из, биз чолу кампир¹.

Санамлар ичра кўнгили тўлувимдирсиз,
Ёруғ дунёда битта сулувимдирсиз.
Сиз бор, ранжу машаққат унутдир тамом,
Азизим, танҳо ўйнаб-кулувимдирсиз².

Ҳазил

Элда васф этилур илк висол ойи,
Бизда чилла, уларда асал ойи.
Кампирла “Турон”да турибмиз ҳоли,
Шифо аҳли дерки, бу касал ойи.

¹ Поён Равшанов. Малика Кенагас ойим ёхуд амир Насруллонинг ўлими қиссаси. – Т.: “Шарқ”, 2000. 195, 197, 202, 214-бетлар.

² Поён Равшанов. Карвон қўнғироғи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 86-бет.

Кулбамдин ортиқ ватан йўқ оламда, дўстлар,
Кўнглим ёрим, набира-ю боламда, дўстлар.
Ота-онам, ука-сингил, қишлоқдошларим,
Мадҳин ёзиб тугатолмам қаламда, дўстлар.

Эй ёрим, сиздан яхши дўст йўқ менга,
Ёнимда борсиз, ҳеч кам-кўст йўқ менга.
Бахту иқбол фарзанду набиралар,
Яйраб турсангиз асло сушт йўқ менга.

Ўтаётир қадринг, ёрим, олисда,
Йўқдир ором сенсиз парқув болишда.
Эликдан ошганда эзаркан ҳижрон,
Хижолат чекарман, ҳатто, нолишда.

Гулим, муаттар бўйингдан сенинг,
Гулим, шаҳд-шакар ўйингдан сенинг.
Қадди ниҳолинг қувнатар кўзим,
Гулим, навбаҳор рўйингдан сенинг.

Сен менинг ҳилолим, гўзал дилбарим,
Ердаги фариштам, пари пайкарим.
Садоқат боғида яшнаган гулим,
Қадди сарву, лаби боли шакарим.

Чамандин танлаган ягона гулим,
Бўйингдан яшнагай севгувчи дилим.
Настарин қиёсинг бўлолмас, эркам,
Толмасдур васфингда ашъоргўй тилим³.

Оила устувор касби кордан ҳам,
Юқори туради номус-ордан ҳам.
Шаънини, қадрини тутайлик баланд,
Фарзандлар қолади йўғу бордан ҳам.

Набиралар кетди мактабга шошиб,
Момо, бобо қолдик оқ йўл тилашиб.
Шукрона, йўлимиз этади давом,
Ўрнимиз босар авлод қаторлашиб.

Эҳтиром, ҳурматим сенга, азизим, гулим,
Ҳаётимиз ҳақи, қилгайман таъзим, гулим.

Умримнинг мазмуни, теран маъноси ўзинг,
Васфингга бахшида ҳар айтар сўзим, гулим.

Қадамни қўйибсан кулбам сарига қутлуғ,
Ободир рўзғорим, мўлдир ризқ-рўзим, гулим.

³ Поён Равшанов. Умид уммони. – Т.: “Шарқ”, 2004. 61, 85, 158, 159, 161, 163-бетлар.

Боғимга файз берди яшнаб ғунчалар равон,
Сафимиз тўлдирди, шукур, ўғил-қизим, гулим.

Тутгайман қадрингни, токи тирикман, баланд,
Хонадоним файзли, ёруғдир юзим, гулим.

Яшабмиз эллик йил қадрдон, севимли бўлиб,
Қолган умримизга Ҳақ берсин тўзим, гулим.

Тилагим соғлиқдир, истак – бахтдир, Садафим⁴,
Сулолам сабаб Поён, қолгай изим, гулим.

Бахтлидурман умримга йўлдош билан,
Бахтлидурман қавмим ҳам қардош билан.

Манзилларни тай этдим, кўрдим, билдим,
Довон ошмоқ даст берур сирдош билан.

Яшамоқ осонмас, машаққатлар кўп,
Шунга етдим Худойим қўллаш билан.

Ниҳол экар ҳар инсон эрта дебон,
Омад етар боғ-роғлар гуллаш билан.

Оқибатли бўлса ким, қадри баланд,
Тўй-тадбирда биргадир элдош билан.

Донг чиқармас улоқда ёлғиз бедов,
Номин оқлар чавандоз – қўлдош билан.

Ҳожи Поён таянчим дер юрт-элин,
Фарзандиман, ўсдирган нон-ош билан.

⁴ Поён Равшанов. Яхшиликнома. – Т.: “Шарқ”, 2007. 63, 141, 143-бетлар.

МУВАШШАҲ

Севгилим, қалбимда очилган гулим,
Буркадинг чаманга ҳаётим, йўлим.

Азизам, ёнимда навниҳол чоғлар,
Муҳаббат фасли ҳам далалар сўлим.

Дилрабо, оқила, мисли фаришта,
Сифатинг қилурлар хонадон, элим.

Азалнинг қудрати – қўшилди тақдир,
Тўлдирди бағримни бир қиз, беш ўғлим.

Фидоинг ўзимман танда жоним бор,
Сен ҳамон ўшасан, қувонар дилим.

Ойдаин юзингни эслатар ёшлик,
Набира, чевара васфида тилим.

Йиллар кечди, тотув яшадик ёрим,
Дер, Поён севаман борича умрим.

10 январь – тугилган кунга

Қутлайман азизам, соғ бўлгил, эсон,
Элик олти йил бирга, эмасдир осон.

Дўстберди қишлоғим, навниҳол чоғлар,
Аллоҳим бахтимиз айлади эҳсон.

Шитоб кечди, ўтди бир асрнинг ярми,
Ҳамон хуш қоматсан, гўзал, дуркунсан.

Бу ҳаёт тотдирар аччиқ-чучугин,
Ёнимда барига бир тан, шериксан.

Оилам табаррук, сажда жойимдур,
Беш ўғил, қизимга суюк онасан.

Садафим, фариштам, умрим йўлдоши,
Яшашдан топганим мазмун, маъносан.

Тасаввур қилолмам сенсиз кунларим,
Умринг узоқ бўлсин, Поён жонисан.

Уйим байрам, набиралар йиғилиб келса,
Бари қутлаб, табриклар ҳам ёғилиб келса.
Ишлашади, янги рўзғор, кўпчилик улар,
Севинамиз чақалоқлар туғилиб келса.

Фарзандга меҳвардир қиблагоҳ ота,
Мисоли фаришта, саждагоҳ она.
Аллоҳ изни бирла йўқдан бор этиб,
Жигарбандларга улар бўлгай парвона.

Эру хотин – икки ёрти бир бутун,
Иноқ бўлса, Аллоҳ берадир қутин.
Бола-чақа, рўзғор, кўпдир ташвишлар,
Яшайдилар боғлаб бирга ҳаётин⁵.

⁵ Поён Равшанов. Назмий минтақа. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2016. 19, 134, 212, 281, 283, 287-бетлар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2021> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2021> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2021>